



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

Проект

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарорига ўзгариши
ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

VQL-672/23-3

Мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган солиқ ислоҳотларини изчил давом эттириш борасида Хоразм вилоятида ўтказилган тажрибадан келиб чиқиб, айрим солиқ ҳисботларини солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқариш ва шакллантириб бериш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 81-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ-6307-сон Фармонининг ижроси юзасидан айрим солиқ турлари кесимида солиқ ҳисботларининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқариш ва шакллантириб бериш бўйича Хоразм вилояти худудида тажриба ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгариши ва қўшимчалар киритилсин:

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг

2023 йил “___” ____ даги ____-сон қарорига
иолова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Солик маъмуриятчилигини янада тақомиллаштириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Солик маъмуриятчилигини янада тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарори 1-банди бешинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги банд билан тўлдирилсин:

“Солик тўловчининг танловига кўра солик органлари томонидан солик ҳисоботини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 3¹-иоловага мувофиқ тасдиқлансин”.

2. 1-иолованинг:

а) 10-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“10. Ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг шаклини ва унга доир талабларни Солик кодексининг 170-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитаси (кейинги ўринларда — Солик қўмитаси) томонидан тасдиқланади.”;

64, 67, 68, 70, 75, 76, 82-бандларидағи “Давлат солик қўмитаси” деган сўzlари “Солик қўмитаси” деган сўzlар билан алмаштирилсин;

3, 5-бандларидағи “солик инспекцияси” деган сўzlардан аввалги “давлат” деган сўзи чиқариб ташлансин;

3, 5-бандларидағи “солик бошқармаси” деган сўzlардан аввалги “давлат” деган сўз чиқариб ташлансин;

1-иолованинг:

2-бочқич позицияси “Тадбирлар” устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Аризани ва унга бириктирилган ҳужжатларни тегишлилиги бўйича юқори турувчи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар давлат солик бошқармаларига, йирик солик тўловчилар бўйича эса — Йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро солик инспекциясига (ЙСТБҲСИ) кўриб чиқиш учун юборади.”;

3, 4, 5, 7, 9-бочқич позициялари “Субъектлар” устунидаги “Давлат солик бошқармаси, ЙСТБҲДСИ” деган сўzlари “Солик бошқармаси, ЙСТБҲСИ” деган сўzlари билан алмаштирилсин;

2, 7, 8, 10, 11-бочқич позициялари “Тадбирлар” устунидаги “ЙСТБҲДСИ” деган сўзи “ЙСТБҲСИ” деган сўз билан алмаштирилсин;

7, 8, 10, 11-бочқич позициялари “Тадбирлар” устунидаги “Давлат солик бошқармаси” деган сўzlари “Солик бошқармаси” деган сўzlар билан алмаштирилсин;

9-бочкىч позицияси “Тадбирлар” устуnidаги “Давлат солиқ қўмитасига” деган сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бочкىч позицияси “Субъектлар” устуnidаги “Давлат солиқ қўмитаси” деган сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

6) 2-иловада:

2-банди иккинчи хатбошисидаги “Давлат солиқ қўмитаси” деган сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

5, 7, 9, 10-бандларидаги “Давлат солиқ қўмитаси” деган сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Куйидаги мазмундаги 3¹-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг

2023 йил “___” ____ даги ____ -сон
қарорига илова

**Солиқ тўловчининг танловига кўра солиқ органлари томонидан
солиқ ҳисботини шакллантириш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

I-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом солиқ тўловчиларнинг танловига кўра солиқ органи томонидан қўшилган қиймат солиги, айланмадан олинадиган солиқ (қатъий белгиланган суммадаги солиқни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар бундан мустасно) ҳамда юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари солиқ ҳисботини (кейинги ўринларда – солиқ ҳисботи) шакллантириб бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ташқи манбалар – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ солиқ органларига маълумотлар тақдим этиш мажбурияти юклатилган органлар, муассасалар ва ташкилотлар тақдим қиласидаган маълумотлари, жумладан Божхона қўмитаси, Кадастр агентлиги, “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиха институти ва бошқа ташқи манба маълумотлариdir.

ички манбалар – солиқ тўловчилар тақдим этган солиқ ва молиявий ҳисботлар, ўтказилган хронометраж, солиқ мониторинг ва кўздан кечириш ва солиқ текшируви натижаларига оид солиқ органларининг ахборот тизимларида, шунингдек, электрон ҳисобварак-фактура, онлайн назорат касса техникаси, электрон тўлов чеклари, солиқ органларининг “Е-имтиёз” дастури ва бошқа ички манбаларда шаклланган маълумотлардир.

солиқ тўловчининг танлови – тегишли солиқ ҳисботларини ўз хохиши ёки солиқ органлари томонидан шакллантиришга (тузиш) нисбатан бўлган хукуки;

солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисботи –ташқи ва ички манбалар асосида солиқ органлари томонидан автомат шакллантирилган жорий солиқ даври учун

солиқ тұловчиларнинг ва солиқ агентларининг солиқ мажбуриятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласидаган хужжатлари.

II. Солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботини шакллантириш тартиби

3. Солиқ ҳисоботлари кўрсаткичлари ташқи ва ички манбалар маълумотлари асосида солиқ турлари кесимида шакллантирилади. Бунда, солиқ органлари томонидан солиқ ҳисобти шакллантирилгунга қадар ҳисоботни топширган солиқ тұловчилар учун ҳисобот шакллантирилмайди.

4. Ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган манбалардан ташқари солиқ ҳисоботларни шакллантириш учун зарур бўлган кўрсаткичлар солиқ тұловчиларнинг шахсий кабинетларидаги интерактив хизматлари орқали шакллантирилади.

5. Солиқ ҳисоботларининг айрим сатр маълумотлари ташқи ва ички манбалар маълумотлари асосида автомат шаклланган кўрсаткич рақамлари бўйича формула орқали аниқланади.

6. Янги ташкил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан, давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танлаган солиқ туридан келиб чиқсан ҳолда қўшилган қиймат солиги ёки айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботи солиқ органлари томонидан шакллантирилади.

7. Қўшилган қиймат солиги бўйича солиқ солиши мақсадларидаги ҳисоб сиёсатини мустақил равища белгиланиши мақсадида фаолият кўрсатаётган солиқ тұловчилар учун жорий солиқ даврининг январь ойида ҳамда янги ташкил қилинган солиқ тұловчилар ташкил қилинган ой учун ҳисобот тақдим этилаётганда ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммасини солиқ тұловчининг танловига кўра алоҳида-алоҳида усулда ва (ёки) мутаносиб усулни танлаш имконияти берилади.

Бунда, солиқ ҳисоботи автоматик равища мутаносиб усул бўйича шаклланади ҳамда алоҳида-алоҳида усулни танлаш ва кўрсаткичларни киритиш имконияти яратилади.

Ҳисоб сиёсатини алоҳида-алоҳида усулини танлаган солиқ тұловчилар учун солиқ ҳисоботи солиқ органи томонидан шакллантирилмайди.

8. Мол-мулк ва ер солиги бўйича янги ташкил этилган юридик шахслар томонидан, давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай солиқ органларига ер солиги бўйича ҳисобот ва мол-мулк солиги бўйича мўлжалланаётган солиқ базасидан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдик қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиқсан ҳолда жорий солиқ даври учун ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

9. Юридик шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиги бўйича солиқ базаси (ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси) солиқ даври мобайнида ўзгарган тақдирда, бир ойлик муддат ичида солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт.

10. Мол-мулк ва ер солиги бўйича солиқ ҳисоботлари солиқ органлари томонидан ушбу солиқ турлари бўйича солиқ тұловчилар деб эътироф этилганлар учун шакллантирилади.

11. Қўшилган қиймат солиги ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича жорий солиқ даврида электрон ҳисобварак-фактура, онлайн назорат касса техникаси, электрон тұлов чеклари орқали шаклланган маълумотларда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумга эга бўлган солиқ тұловчиларнинг солиқ ҳисоботлари солиқ органлари томонидан

шакллантирилади.

Бунда, тегишли солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумга эга бўлмаган солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисботлари мустақил равишда тузиб солиқ органига тақдим қилинади.

12. Агар ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келгандигига оид далиллар солиқ ҳисботи қабул қилингандан сўнг аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 266-моддасига асосан солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатиш киритишни амалга ошириш учун қўшилган қиймат солиғи бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисботини шакллантириб, ушбу Низомнинг 13-бандида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборади.

Солиқ органлари томонидан шакллантирилган аниқлаштирилган солиқ ҳисботи солиқ тўловчи ёки унинг ваколатли вакили томонидан тасдиқланиши ёки қайта ишлаб тақдим қилиниши ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, аниқлаштирилган солиқ ҳисботи солиқ тўловчи томонидан рад қилинган тақдирда солиқ органи битимнинг барча шартлари ва талаблари ҳақиқатда бажарилганлигини ўрганиш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ текширувларини ташкил қилиши мумкин.

III. Солиқ органи томонидан шакллантирилган солиқ ҳисботини солиқ тўловчи тасдиқлаш тартиби

13. Солиқ ҳисботларни солиқ органлари томонидан шакллантириш, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юбориш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

14. Солиқ тўловчи ёки унинг ваколатли вакили солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисботининг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайди ёхуд эътиrozлари мавжуд бўлса, солиқ ҳисботини қайта ишлайди ва ўрнатилган тартибда солиқ органларига тақдим этади. Бунда солиқ органлари шакллантирган солиқ ҳисботларини солиқ тўловчи томонидан тўғрилиги ва тўлиқлиги бўйича тасдиқланган сўнг ушбу Низомнинг 16-банди биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда, зарур тузатишларни киритмаганлиги оқибати учун солиқ тўловчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

15. Низомнинг 14-бандига асосан солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисботлари солиқ тўловчи томонидан тасдиқланмаса ёки белгиланган муддатларда қайта ишланган солиқ ҳисботи тақдим этилмаса, солиқ тўловчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод этмайди.

IV. Солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисботига ўзгаришилар киритиш

16. Солиқ органлари томонидан ушбу Низомнинг 3-бандига асосан шакллантирилган солиқ ҳисботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ва (ёки) хатоларни аниқлаган, шунингдек, солиқ тўловчининг ҳисоб ҳужжатларига кўра солиқ солиш обьектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ обьектларда ёки солиқ базасида фарқ юзага келган тақдирда, солиқ тўловчи томонидан ушбу солиқ ҳисботига зарур тузатишларни киритади ва уни солиқ органига тақдим этади.

17. Солиқ ҳисботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ

тўловчининг ёки солик агентининг зиммасига юкландади.

18. Солик аудити ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солик органлари томонидан шакллантирилган солик ҳисоботига солик тўловчи томонидан ўзгартишлар ва кўшимчалар киритилишига йўл кўйилмайди.

19. Агар текширувдан олдинги таҳлил чоғида солик органлари томонидан шакллантирилган солик ҳисоботи билан солик органидаги янгиланган маълумотлар ўртасида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланса солик тўловчи ушбу солик ҳисоботига зарур тузатишларни киритиши ва солик органига аниқлаштирилган солик ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши лозим.

V. Солик тўловчиларнинг мажбуриятлари

20. Солик тўловчилар:

онлайн назорат-касса техника чеклари, электрон ҳисобварак-фактура, электрон тўлов чеклари бўйича ўтган ҳисбот даврида амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартишлар киритиши зарур бўлган ҳолларда реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) қиймати ҳисбот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кундан кечиктирмай тузатиш киритиши;

ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган манбалардан ташқари солик ҳисботларни шакллантириш учун зарур бўлган кўрсаткичлар рақамлари солик тўловчиларнинг шахсий кабинетларида интерактив хизматлар орқали ҳисбот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кундан кечиктирмай киритиши;

имтиёз қўлланиладиган товарлар ва ҳизматлар шунингдек, имтиёзга эга ёки камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган кўчмас мулк обьектлари ҳамда ер участкалари мавжуд бўлган тақдирда солик ҳисботини тақдим этиш муддатидан камида 15 кун олдин солик органларига имтиёзларни қўллаш юзасидан белгиланган тартибда мурожаат йўллаши лозим.

VI. Солик органи томонидан шакллантирилган солик ҳисботини қабул қилиниши тартиби

21. Солик органлари томонидан шакллантирилган солик ҳисботлари солик тўловчилар томонидан шахсий кабинет орқали тасдиқланиши лозим.

22. Солик тўловчиларга солик органлари томонидан тузилган солик ҳисботлари қабул қилинганлигини шахсий кабинети орқали аниқлаш имконияти яратилади.

VII. Якуловчи қоидалар

23. Солик органлари солик тўловчилар томонидан солик ва йигимларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз муддатида тўланишининг тўғрилиги юзасидан назоратни амалга оширадилар.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Солик тўловчининг танловига кўра солик
органлари томонидан солик ҳисботини тузиш
тартиби тўғрисидаги [НИЗОМГА](#)
ИЛОВА

Солик органи томонидан солик ҳисботини шакллантириш ҳамда солик тўловчилар томонидан

солик ҳисоботини тасдиқлаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Солик органлари	<p>Ташки ва ички манбалар асосида келиб тушган маълумотларни умумлаштиради.</p> <p>Кўшилган киймат солиги</p> <p>Айланмадан олинадиган солик</p> <p>Мол-мулк ва ер солиги</p> <p>Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер солиги бўйича</p>	<p>Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 11 санасига қадар</p> <p>Жорий солик даврининг 15 январига қадар</p> <p>Жорий солик даврининг 10 апрелига қадар</p>
2-босқич	Солик органлари	Солик ҳисоботларини шакллантиради.	Маълумотлар умумлаштирилгандан кейин 2 кун муддатда
3-босқич	Солик органлари	Шакллантирилган солик ҳисоботи солик тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.	Солик ҳисоботлари шакллантирилганидан кейин 1 кун муддатда
4-босқич	Солик тўловчи	<p>Солик органи томонидан шакллантирилган солик ҳисоботини тасдиқлайди.</p> <p>Эътиrozлар мавжуд бўлганда солик ҳисоботини қайта ишлайди ва ўрнатилган тартибда солик органларига тақдим этади.</p>	Шахсий кабинетига солик ҳисоботи келиб тушганидан кейин шу солик тури бўйича ҳисобот топшириш муддатида
5-босқич	Солик органлари Солик тўловчи	<p>Кўшилган киймат солиги бўйича ҳисобга олиш хукуки товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар солик ҳисоботи қабул қилингандан сўнг аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 266-моддасига асосан солик органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатиши киритишни амалга ошириш учун аниқлаштирилган солик ҳисоботини шакллантиради ва солик тўловчининг шахсий кабинетига юборади.</p> <p>Ушбу ҳолат бўйича солик тўловчи ёки унинг ваколатли вакили солик органлари томонидан шакллантирилган солик ҳисоботининг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайди ёхуд эътиrozлари мавжуд бўлса, солик ҳисоботини қайта ишлайди ва ўрнатилган тартибда солик органларига тақдим этади.</p>	<p>Ҳолат аниқлангандан сўнг 10 кун муддатда</p> <p>Шахсий кабинетига ҳисобот келиб тушгандан сўнг 10 кун муддатда</p>

“